

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациисининг газетаси

# МИЛОНЧ

23

1994  
йил  
4—10  
июнь  
(165)

## ХАБАРЛАР МАГЗИ



- АВВАЛ хабар килинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тақлифига биноан Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сан бугун давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

- ТОШКЕНДА ўтаётган Марказий Осиё республикалари болалар фольклор-этнография фестивали қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрикнома ўйлади.

- МАМЛАКАТИМИЗ Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Боз котибининг ўринбосари Марек Гууддинни қабул қилди.

- ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аҳолига сотиладиган ёқилги, электр энергияси чакана нархларини ҳамда йўловчи ташиб транспорти хизматларининг тарифларини ўзгартириш түргисида қарор қабул қилди.

- Вазирлар Маҳкамасининг қарори иловасида табий газнинг 1000 куб метри 3500, 1 киловатт соат электр куввати 30, электр плиталар билан жиҳозланган ўй-жойларда яшовчи аҳолига бериладиган электр энергиясининг 1 квт.соати 15, 1 литр бензин (ўртача) 1000, 1 тонна кўмир (ўртача) 25000, шаҳар транспортсида 1 марта юриши 100, шаҳар атрофига қатнайдиган автобусларда йўловчиларни ташиб 1 километр йўл учун 17—25 сўм-купон қилиб белгилантанлиги кўрсатиб ўтилган.

- ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига кўра 1 июндан бошлаб 1 килограмм уннинг чакана нархи ўртача 500 сўм-купон ва 1 килограмм булка ноннинг чакана нархи 400 сўм-купон қилиб белгиланди.

- ТОШКЕНДА бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралар кенгашининг навбатдаги мажлисini мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошқарди.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Чорва моллари ва сутнинг харид нархларини ошириш түргисида қарор қабул қилди.

- "ЎЗБЕКИСТОН" нашириёти Ўзбекистон Республикаси Фармонлар ва қарорлар" рукини остида ҳозирги босқичда иқтисодий муносабатларни ислоҳ килишининг хукукий асосларини яратувчи муҳим хужжатлар — Президент Фармонлари республика ҳукуматининг қарор ва фармойишларини чоп этиди.


- ЎЗБЕК адабиётини ривожлантиришга кўшган муносабиҳиссаси ҳамда жамият турмушидаги фаол иштирок этганини учун ёзувчи Ҳамид Гулом мамлакатимиз Президенти Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

- ТОШКЕНДАГИ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар" мавzuни ҳалқаро семинар иш бошлади.

- ЎЗБЕКИСТОН Республикаси футбол федерацияси Футбол федерациялари ҳалқаро уюшмаси (ФИФА)га аъзо бўлди.



## "ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ" УЧУН БЕЛЛАШУВ



БИР НЕЧА кунки пойтахтимиз ҳалқаро теннис байрами орушида яшамоқда. Тошкент телеминораси ёнидаги "Юнусобод" спорт согломлаштириш мажмуида 28 май куни бошланган теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун бошланган беллашув қизгин паллага, кирди. Бу мусобақанинг мукофот жамгармаси 125 минг АҚШ долларини ташкил қилди.

Йигирмадан ортиқ мамлакатлардан ташриф буюрган "катта ракетка" усталари қатнашувидаги бу ҳалқаро мусобақа Ўзбекистон тениси тарихида ажойиб саҳифа бўлиб қолади. 30 май куни "Юнусобод" спорт мажмуида ушбу турнирнинг тантанали очилиш маросими ва иштирокчиларнинг жамойиши бўлди. Республикамиз мадҳияси янграб, давлатимиз байроби кўтарилач, "АТП-тур ЛТД" Швейцария фирмасининг президенти Сасон Какшури тантанали вазиятда теннис байрамини очиқ деб эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов спорчилар ва мусобақа меҳмонларини самимий табриклаб, нутқ сўзлади. Очилиш маросимидан сўнг ҳамюртимиз Дмитрий Томашевич ва италиялик Давид Сангуинетти майдонга тушди. Қизгин курашлар давомида ҳамюрларимизнинг қўли баланд келди. Умумий ҳисоб билан

Д.Томашевич 2:1 ҳисобида голиб чиқиб республикамиздаги теннис муҳлисларини хурсанд қилди. Чунки, Дмитрий рақибидан профессионал тенисчилар ассоциациясининг рейтинг таснифида қарийиб 800 погона пастда туради.

Мусобақалар бошлангач муваффақиятли қатнашиб келаётган Олег Огородов истроиллик Жилад Блумни мағлубиятга учратиб, олдинги босқичга ўтиб олди. Яна бир юртошимиз Темур Фаниевга эса омад кулиб боқмади. У венгриялик тенисчи Ш.Ножалига ютқазиб қўйди.

Дмитрий Томашевич ва Олег Огородовларнинг дастлабки галабалари турнирнинг энг шовшувли воқеаларидан биридир. Негаки рақибларидан анча "тажрибасиз" роқ бўлган ўзбекистонлик ҳар иккала тенисчининг мағлубиятлари ҳақида кўпгина мутахассислар "башорат" қилиб юришади.

Иштирокчилар 28 майга қадар бир қанча саралаш мусобақаларида иштирок этишиди. Ҳалқаро турнирнинг бошланган куни 32 нафар тенисчи якка ва жуфтликларда биринчиллик учун баҳсни қизитиши. "Президент кубоги" учун куч синашаёттанларнинг орасида энг машҳур ва номдори Чак Адамс (АҚШ) ҳисобланади. У АТП рейтингига 85-ўринда.

Марокашлик Карим Алами ва француз Фабрис Санторолар Адамсдан бироз кўйи ўринларда. Очколарини ошириб, юқори погоналарга кўтарилишга ҳар бир тенисчидан имкон бор. Чунки, Тошкентда голиб чиқкан тенисчи яна ўзига 100 очко, финалчи 73, ярим финалчилар 45, нимчорак финалчилари 23 очкога эга бўладилар. 1/16 финал иштирокчилари 12, 1/32 иштирокчилари эса 1 очкодан оладилар. Мукофот жамгармасидан эса голибга 18 минг АҚШ доллари насиб қилди. Сўнг финалчи, ярим финалчилар, нимчорак финал иштирокчилари ўз навбатида 10.600, 6.275, 3.650, 2.150 ва 1.300 АҚШ долларидан оладилар.

Шанба, 4 июн куни якка ва жуфт тенисчиларнинг ярим финал учрашувлари бўлади. 5 июнда эса 1-Ҳалқаро теннис турнирининг финал ўйини "Президент кубоги"нинг ҳақиқий эгасини, белгилаб беради. Шу кунги финал ўйинидан сўнг голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб турнир тантанали тарзда ёпилади.

Турнир профессионаллар ўйини билангина чекланиб қолмайди. Бу ерда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ҳам махсус турнир ўтказилмоқда. Бу азалий анъана саналиб, йирик мусобақаларда журналистлар ҳам куч синашишида.

Нодир МАҲМУДОВ.



Суратларда: Теннис байрами тантаналаридан лавҳалар.

А.Мамадаминов ва ўзА суратлари.

## Касаба уюшмаларида

**БУХОРО** вилояти агросаноат мажмуйи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг йигилиши бўлди. Йигилишда ташкилий масала кўрилди.

Р.Х.Хасанов саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли ўз аризасига биноан вилоят касаба уюшмаси қўмитаси раислиги вазифасидан озод қилинди. Қўмита раиси этиб вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаб келган Ю.Қ.Қурбонов сайданди.

Йигилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи муовини, республика агросаноат мажмуйи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т.Ҳ.Собитов иштирок этди ва нутқ сўздади.

\*\*\*

**НАВОЙИ** вилояти агросаноат мажмуйи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисда дәҳқон (фермер) хўжаликлари, кичик корхоналар, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш борасида вилоядта олиб борилаётган ишлар аҳволи ва бу борада касаба уюшмалари олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Соҳа касаба уюшма ташкилотлари дәҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг иши фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи муовини, республика агросаноат мажмуйи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т.Ҳ.Собитов иштирок этди ва нутқ сўздади.

## ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманинг 23-болалар уйида халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига багишланган учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда иштирок этган Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Ш.Қ.Одилов, "Чунъ Айн" корейс хайрия жамияти раиси ўринбосари Юн-Те-Ен болалар уйида тарбияланувчиларнинг ўқув йилини кўнгилдагидай якунлаганликлари муносабати билан сидқидил кутлашди.

Қизиқарли ўтган учрашув сўнгидаги ўқувчиларга эсадалик совгалари ва кийим-кечаклар топширилди.

А.АЛАУТДИНОВА.



## ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида Япониядаги Фукусима ҳудудий машина ҳайдовчилари тармоқ касаба уюшмалари раҳбарлари билан учрашув маросими бўлиб ўтди. Бутуняпон касаба уюшмалари кенгашининг бosh котиби жаноб Ваго Магаюси мөхмомонларга раҳбарлик килди. Мазкур ташрифдан мақсад Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти ва иш тажрибаси билан яқиндан танишиш, ўзаро дўстона алоқалар ўрнатиш эканлигини изҳор қилиди у. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Ҳ.Б.Жамолов мөхмомонларнинг қадимий ва ҳамиша нақирион ўзбеклар диёрига қадам ранжида

қилишлари билан самимий қутлади ва республикамиз касаба уюшмаларининг ташкил топиши тархи ҳамда ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш давридаги касаба уюшмаларининг вазифалари ҳақида гапириб берди. Шунингдек, ҳозирги шароитда касаба уюшмаларининг асосий диккат-эътибори меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқлари баён этилиб, шундай таъкидланади: "Касаба уюшмаларининг меҳнат шароити ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга, меҳнаткашларнинг ўйжой шароитига, уларнинг ижтимоий суғуртага, соғлиқни сақлаш ва маданиятга тааллуқли манбаатларини ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг тегиши қонуллари билан тартибга солинади".

Президентимизнинг инсонпарварлик туйгулари билан йўғрилган кўрсатмалари ҳамда Республикаиз қонуллари асосида иш юритаётган вилоятимиз касаба уюшмалари бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иктисодий ҳимоя қилиш, муҳтожларга адресли ёрдам кўрсатиш, улар соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, дам олишларига эришиш, шунингдек, адолат мезони бузилишига йўл қўймаслик учун курашишини ўз фаолиятлари мезони, деб билмоқдалар.

• Чиндан ҳам, ислоҳотларимиз самарадорлиги аҳолининг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан қай даражада ҳимоя қилинишига боялиқ. Биргина ўтган йили касаба уюшмаларимиз шу мақсадлар учун қарийиб уч миллиард сўм сарфладилар. Натижада, 13020 киши санаторий, профилакторий ва курортларда бўлиб, соғлиқларини тиклади, яхши ҳордиқ чиқарип қайтилар. Биз меҳнатга яроқсиз ногиронларни ҳам унтаётганимиз ўйқ. Вакилларимиз шаҳар, туман ҳокимликлари ҳамда хўжаликлarda бўлиб, касаба уюшмалари билан тузилган шартномаларнинг ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича моддаси бажарилишини ўрганмоқдалар. 1993 йили ногиронларнинг даволаниши учун 4,5 миллион сўмдан кўпроқ маблағ

муносиб гаров эканлиги устида ҳам тўхтади.

Давлатимиз мустақилликка эришини муносабати билан республикамиз касаба уюшмалари мустақил ривож топишига астойдил киришган. Чет эл касаба уюшмалари марказлари билан бевосита алоқа боялаш, узоқ-яқин мамлакатлар аро борди-кедини йўлга қўйиш бўйича ҳам анча илгорлаб кетилгани маълум.

— Бугунги мазкур учрашув эса, — деди сўзини давом эттириб Ҳ.Б.Жамолов, — сиз билан бизнинг мамлакатимиз касаба уюшмалари ўртасидаги қўйничилик муносабатларининг ривож топишига йўл очади. Бунга ишончим комил. Айниқса, яқингида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Япония қўлган сафари бу йўл узра ёқсан ёрқин чироқ бўлди.

Япониялик мөхмомонлар бошлиғи жаноб Ваго Магаюси ўз навбатида шунчалик илик ва самимий кутиб олингандилари учун сидқидил миннатдорлик изҳор қилиш билан бирга ўз юрти касаба уюшмалари ходимлари тажрибаларидан сўзлаб берди. Шунингдек, Ўзбекистонлик ҳамкаслари ва журналистларнинг қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Учрашувда касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Т.Ҳ.Собитов, раис ўринбосари З.И.Қодиров, Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси Д.Н.Жаҳонгировалар иштирок этишиди.

Суратда: учрашув пайти.  
Д.Аҳмад олган сурат.



## Фаолиятимиз МЕЗОНИ

ўқувчи, шу жумладан, кўп фарзандли, аммо кам таъминланган оиласаларнинг мактаб ёшидаги 17600 нафар боласи дам олиш лагерларида дам олдирилди. Бунинг учун касаба уюшмаларимиз 229710 минг сўм ажратдилар. Бойсун туманидаги болалар уйи, Шўрчи, Сариосе туманларидаги интернатлар ҳам касаба уюшмаларимиз кундаклик ғамхўрлиги туфайли намунали ишлаб турибди.

Йил давомида 300 дан ортиқ муҳтож оиласалар, бокувчиси йўқ фуқароларга катта миқдорда маддий ёрдам бердик. 3000 дан ортиқ киши давлат ижтимоий суғуртаси маблағи ҳисобида ишлаб топишига Хонжиза оромгоҳида дам олди. Байнамилалчи жангилар ҳамда Чернобиль атом электр станциясида ишлаб соглигини йўқотган 215 кипига йўлланмана бепул берилди. Вилоят болалар жамгармаси билан биргаликда 600 болага 1,5 миллион сўмлик кийим-кечак совға қилинди. 9 боланинг суннат тўйи ўтказилди. Дафн маросимлари учун берилган ёрдам 19549 минг сўмни ташкил этди.

Афсуски, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳамда қуий бўлинмаларимизга жойларда ижтимоий адолат мезони бузилаётгани тўғрисида ариза ва шикоятлар ҳам келиб турибди.

Ишдан нотўғри бўшатилгани тўғрисида мебнаткашлардан

кенгашимиз номига тушган аризалар сони 1993 йилда 43 тага етди. Уларнинг 80 фоизи ариза эгалари фойдасига ҳал қилинди. Булардан ташқари, маошини, касаллик варақаси учун ҳақ олишда хатога йўл қўйилгандиги, техника хавфсизлиги туфайли иш пайтида жароҳатланиш оқибатлари ва бошқа масалалар хусусида ҳам ариза ва шикоятлар тушеб турибди. Мутахассисларимиз бу хил аризаларни ҳам ўз вақтида ўрганишиб, масалани адолат нуқтаи назаридан ҳал қилмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида эртанги кун ташвиши билан яшамаслик келажагинги ўз қўлинг билан барбод этиш билан баробардир. Бу борада улкан режа ва нијатларимиз борки, уларнинг бир қисмини амалга оширишга эришдик ҳам.

Вилоят касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан тоғли Бойсун туманида 250 ўринли оналар ва болалар санаторийси қурилишини бошладик. Кўп ўтмай, 160 миллион-сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Термиз шаҳридаги марказий спорт ўйингоҳини шарқона услубда таъмирлаш ташабуси билан чиқдик. Ташаббусимиз вилоят ва Термиз шаҳар ҳокимликлари, барча жамоатчилик кенг қўллаб-куватланди. Натижада, таъмирлаш ишлари қисқа муддатда поенига етказилди. Ҳозир ўйингоҳ қошида самбо ва шарқча миллий кураш, футбол мактаблари фаол ишлаб турибди.

Хуллас, вилоятимизда ҳам ислоҳотларини амалга оширишда касаба уюшмаларимиз, фаоллар ва кўп сонли аъзолар улуши салмоқлидир, албатта. Биз Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган ижтимоий сиёсатни, бозор муносабатлари талабларини барчанинг тез ва чукурроқ тушуниб олишига, шу билан бирга, мебнаткашлар, шунингдек, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табакалари ва гуруҳларини адресли қўллаб-куватлаш фаолиятимиз мезонига айланиб қолишига эришаверамиз.

Ҳимойиддин ШАРОФУДДИНОВ  
Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси, Ўзбекистон халиқониби.



**Самандар КОБУЛОВ — Навоий вилояти ижтимоий-таъминот бошқармаси бошлиғи. Мәълумки, Навоий вилояти қайта ташкил этилганлиги туфайли идора-ю ташкилотларнинг барчаси қайтадан ташкил топди. Ҳар қандай янги идорани тузуб, унинг ишларини юришириб юборишини ўзи бўлмайди. Бизнинг Самандар ака билан сұхбатимиз айни шу нуқтадан бошланди.**

— Самандар ака, ҳамма ишнинг ибтидоси қийин кечади, дейишади. Сиз ишни қай ҳолатда бошлагансиз?

— Менинг назаримда ишнинг яхши-ёмони, соң-қийини бўлмайди. Ҳаммаси мутахассиснинг ўзига, унинг шу ишга нисбатан лаёқатни боғлиқ. Бундан иккى йил аввал — мен вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига бошлиқ бўлиб келганинда, ҳали бу тизим ҳам янгиланиш йўлига ўтгани йўқ эди.

Аввало, барча вилоятларда бўлган пенсияларни тўлаша таъминлаш марказини вилоятда тузмадик. Бунинг ўрнига пенсия тўлаш ва тайинлаш ҳуқуқини жойларга — шаҳар, туман ижтимоий таъминот бошқармасига бердик. Чунки, улар вилоятдагиларга нисбатан жойларнинг шарт-шароитини, ҳалқини яхши билишади. Иложи борича ҳақсизликка йўл қўйиласиди.

— Бу янгиликнинг натижаси қандай бўлаяпти?

— Биринчидан, бизга аҳолидан келиб

тушаётган шикоятлар кескин камайди. Одатда пенсиялар ўз вақтида берилмаслиги, кечикиши ёки ойлаб йўқолиб қолиши ҳақида шикоят хатлари бўларди. Энди бу ишлар ўз вақтида ва ўз жойда ҳал этилаяти. Иккинчидан, биз ишимиши бирмунча етгиллатиш мақсадида пенсияларни тарқатиш учун кичик корхона ташкил этдик. Авваллари, почтачилар фақат пенсия пулини тарқатиш билан шуғулланышарди. Кичик корхона ходимлари эса пенсия тарқатиш билан биргаликда, пенсионерларнинг оилавий шароитини ҳам ўрганишади. Уларга қандай ёрдам ҳақида бизга маълумот келтиришади. Кичик корхона ҳисобидаги ҳар бир пенсия тарқатувчиликнинг маҳсус дафтари бўлиб, шу дафтарга ўз ҳисобларидаги пенсионерларнинг оилавий

ижтимоий таъминот бўлими мудирлари зиммасига юкладик.

Олдинлари пенсионерлар соғлиқларини тиклаш, табиий оғат натижасида ва бошқа сабабларга кўра кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида моддий ёрдам сўраб келишади. Лекин, амадаги қонулларга кўра 20 сўмдан ортиқ ёрдам берга олмас эдик. У ҳам Республика ёки маҳаллий бюджетдан олинади. Ҳозир пенсия тарқатиш бўйича тузилган кичик корхоналаримиз ойига ҳисоб рақамимизга 20—30 миллион сўм миқдорида пул тушмроқдалар. Ана шу маблағ ҳисобидан ёшлик пайтида соғлигини йўқотганиларга, отаҳон-онахонларга соғлиқларни тиклашлари учун 500-600 минг сўмгача ёрдам пули бериш имкониятимиз бор.

## ЛУСТАКИЛИК ТАЛАБИ

шароити ҳақида маълумотларни ёзиб борадилар. Ва биз ана шу маълумотларга қараб қўшимча ёрдам ажратамиз.

Иккинчидан, почта пенсия тарқатгани учун 3 фонз миқдорида ҳақ олади. Кичик корхонамиз ходимлари эса бор-йўғи 2,4 фонз оладилар. Демак, пенсия жамғармасига 0,6 фонз фойдага қолади.

Яна таъминот бошқармаси тармоғида ёлғизларга хизмат қилиш маркази бор. Марказ Навоий шаҳрида жойлашган бўлини, унинг бўлимлари туманларда эди. Марказ ходимлари иш ҳақларини шаҳардан олиб кетардилар. Улар юритадиган ишларни ҳам њавас қилилар даражада деб бўлмасди. Чунки назорат жуда суст эди. Биз Республикада биринчилардан бўлиб ана шу марказдан ҳам воз кечдик. Унинг хизматини, шаҳар, туман

Бу ёрдамни биз нафақат пенсионерларга, балки кам даромади оилаларга, қаровчисиз қарияларга ҳам кўрсаталмиз. Бундан ташҳари тушган маблағ ҳисобидан тадбирлар ҳам ўтказиб турибиз. Мана яқиндаги Наврӯз байрамида мухтоҷлардан 915 ишларга 8 миллион 100 минг сўмлик 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларни бепул тарқатдик.

— Самандар ака, барча соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий таъминот тизимида бу борада қандай тадбирлар ишлаб чиқиляпти!

— Бизнинг тизимимизда ҳам ислоҳотларни сатта ишларни амалга ошира олмаймиз. Пенсия жамғармасидан пул оламиз. Уни почтадагиларга ёки кичик корхоналаримизга тарқатамиз. Улар бу пулларни эгаларига етказиб беришади. Пенсионерлар ўз вақтида

пул ололмай қолишлари мумкин. Оқибатда норозилликлар келиб чиқади. Биз бунга чек қўйиш мақсадида вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси қошида маҳсус банк тузиши ниятидамиз. Бу масалада вилоят ҳокимлигига мурожаат қилганимиз. Ҳозирда уларнинг фикрини кутялмиз.

— Вилоятда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қандай амалга оширилмоқда?

— Кичик корхоналаримиздан очганимиздан кейин ўзимизни анча ўнглаб олдик. Энди қўлимида маблағимиз бор. Савдо ташкиллари билан керакли пайтида муюмала қила оламиз. 1994 йилнинг бошида бошқармаси қошида бюджетдан ташҳари бўлим ташкил қилганимиз. Бу бўлими мизбонларни ўтказиши, қарияларни, ёрдамга муҳтоҷ оилаларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва бўла қундайлар эҳтиёжлари учун зарур воститалар билан таъминлаш юзасидан иш олиб боряпти. Бундан ташҳари вилоят ҳокимлигига билан келишган ҳолда жойларда бир қанча меҳр-шағфат салонлари оча бошладик. Бу дўйонларга озиқ-овқат маҳсулотларни савдо ташкиллари билан келишган ҳолда олиб келиш имкониятига эга бўламиз. Натижада истаган пайтида мурожаат қилган пенсионерларимизга ҳоҳлаган турдаги ёрдамни беришга имкониятимиз бўлади. Дўйонларимизга аҳолидан турли хил кийим-кечаклар сотиб олиш йўлга кўйилди. Тушаётган даромад ҳисобига кўпгина ночор онлаларга бепул кийим-кечаклар тарқатдик.

Вилоятимизда 2 та маҳсус болалар мактаб-интернати бор. Биринчилепада, иккинчиси Карманада. Уларга ўтган йили 191 минг сўмлик ўкум куроллари, 341 минг сўмлик мактаб формалари совфа қилдик. Карманадаги қариялар чойхонасида 230 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони ёздик, совфа-саломлар тарқатдик. Хайрия ишларини тобора кенгайтирумдамиз. Энг асосийси, амалга ошираётган ишларимизни маҳаллий ҳокимлик билан вазирилгимиз ҳар томонламида қўллаб-куватлаб туришибди. Биз эса имкониятларимиз даражасидан келиб қишиб, вилоядаги кам таъминланган аҳолига қўлимидан келган ёрдамни аямаяпмиз.

Суҳбатдош: Даврон АҲМАД.  
Суратда: Навоий вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Самандар Кобулов.

## МЕБЕЛСОЗЛАР ҲИММАТИ

УРГАНЧ мебель фабрикаси ишлаб чиқаралашган маҳсулотлари учун зарур хомашёлар, эҳтиёт қисм, темир-терсак бўлакларини собиқ иттифоқнинг турли чеккаларидан оларди. Эндиликда корхона инженер-техник ходимларининг изланишлари яхши самара берди. Корхонада иш мароми деярли бўзилмади. Яқинда бу борадаги ишлар ўз самарасини берди. Оддий шоли сомонидан юмшоқ мебель тўшаклари ишлаб чиқардиган янги шаҳобча ишга туширилди.

Гарбий Германиядаги машҳур "Майер" фирмаси билан тузилган шартномаларнинг амалга оширилиши натижасида ана шунга эришилди. Янги технологик шаҳобча учун 641 минг немис маркаси миқдорида хизмат ҳақи тўлди. Февраль ойи бошида германиялии мутахассислар фабрикага келиб, қисқа фурсатда шаҳобчани созладилар, дастгоҳларни ва тикув машиналарини ўрнатдилар. Уларни бошқарадиган мутахассисларни тайёрлаб бердилар.

Бу ерда янги ишга туширнилдиган шаҳобча учун хомашёни ўтган йили кузда тайёрлаб қўйилган эди. Янни бир ярим минг тонна шоли сомони олиб қўйилган. Битта юмшоқ мебель тўшаги учун йигирма бир килограмм сомон сарф бўлди. Янги шаҳобчада бир йилда саксон минг дона юмшоқ мебель тўшаклари тайёрлаш мумкин. Улар республикадаги сакнита мебель фабрикасига етказиб суратлари ана шундай кескин ошади.

Ишларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари ҳам фабрикада касаба ўюшмалари ташаббуси билан йўлга қўйилган. Ҳар бир ишчига бепул қатиқ, тушни овқат пули берилтилди, Ишларимизга автобуслар билан бепул ишга келиб кетишиади.

Урганч мебелсозлари эришаётган меҳнат натижалари аҳолининг мебелга бўлган эҳтиёжини тўлинироқ қондиришнинг мухим гаровидир.

Шихназар АҲМЕДОВ,  
"Ишонч" мухбири.

бошка вилоятлардаги мебель фабрикаларига жўнатилди. Шу асосда тайёрланган диван, ором курси, каравотлар савдо тармоқларига етказиб берилтилди.

Этироф этиш керакки, шоли сомонидан юмшоқ мебель тўшаклари тайёрланган диванларни юртимизда ишларни келиб кетардилар. Бундан юмшоқ мебель тўшаклари тайёрлашда кимёвий моддалар мутлақа қўлланилмайди, яъня маҳсулот экологик жиҳатдан ниҳоятда тоза. Мутахассисларнинг фикрича бундай юмшоқ мебель тўшаклари бел ва оёқ оғриғига дучор кишиларга ўта фойдали.

— Фабрикада ўтган йили солиширмада нархларда 400 миллион сўмлик маҳсулот чиқарилган. Бу йил эса ялпи маҳсулотни иккى-уч миллиард сўмга етказиши мўлжаллаётпазмиз,— дейди фабрика бош мұхандиси Нуриддин Отаконов.— Янги шаҳобча ишга туширнилдиган тифайли ишлаб чиқариш суратлари ана шундай кескин ошади.

Ишларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари ҳам фабрикада касаба ўюшмалари ташаббуси билан йўлга қўйилган. Ҳар бир ишчига бепул қатиқ, тушни овқат пули берилтилди, Ишларимизга автобуслар билан бепул ишга келиб кетишиади.

Урганч мебелсозлари эришаётган меҳнат натижалари аҳолининг мебелга бўлган эҳтиёжини тўлинироқ қондиришнинг мухим гаровидир.

## ДЕҲҚОН ТАШВИШ ТОРТМАСИН

Жиззах вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси 1974 йили ташкил бўлди. Ана шундан буён қишлоқ ҳўжалик техника воситаларни, автомашиналарни нефть маҳсулотлари билан таъминлаш келимоқда. Ҳозирги пайтида саккиз жойда нефть маҳсулотлари сақлаш ва тарқатиш, 51 жойда авто ёнилғи қўйиш шаҳобчалари ишлаб турибди. Нефть маҳсулотларини сақлаш ва тарқатиш соҳасида 584 киши меҳнат қиласди.

Муҳбиримиз Жиззах вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси бош директори Неъматулло Холбоев билан сұхбатлашди.

— Нефть маҳсулотлари вилоят техника воситаларини ҳаракатта келтирувчи энг муҳим воситадир. Ҳўжаликларда бўлганимизда бензин ва солярлар етишмаслигидан иолнишди. Шу тўғрими?

— Вилоятимиз бўйича 108 минг тонна бензин, 120 минг тонна дизел ёнилғиси, 3 минг тонна май талаб қилинади. Вазирлигимиздан ажратилган бензин 65 минг 156 тонна, солярка 86 минг 487 тонна, май 1 минг 662 тоннадир. Шубҳасиз етишмаган ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини бошка давлатлардан олиб келишга тўғри келади.

Вилоят раҳбарияти ва туман ҳўжаликлари билан келишувга мувофиқ қишлоқ кипилларига ҳар ойда 273 тонна бензин, 3770 тонна солярка етказиб берилшигиз лозим. Корхонамиз эса 3527 тонна бензин, 6292 тонна солярка етказиб беряпти. Бу талаб қилинганидан 2327 тонна солярка, 1032 бензин кўп етказиб берилди демакдир. Биз ёнилғининг 57 физизини республика нефть маҳсулотлари бирлашмасидан қолганларини бошка худудлардан келтирамиз.

Очирини айтганда республиканинг ўзидан олаётган ёнилғи ваҳима кўтарирадиган даражада ҳиммат эмас. Аммо Русиядан келтирилаётган ёнилғи ҳимматта тушаётган. Бунинг устига масофа узоқ.

Исталган ҳўжаликка борманг, ёнилғи

сақланадиган омборхоналар атрофи ўралмаганлиги, ўлчов асбоблари ёки сиримларининг ҳисоблаш жадвали ўқлиги, клапанлардан ёнилғи томчилаб турганинг қўрасиз. Ёнилғи қатъий ҳисоб-китоб қилиб борилмайди. Қўпинча пақириларда қўйилади. Тўкиб сочилишидан ташҳари пақири аниқ ўлчов бирлиги эмас. Тракторлар соатлаб ўт олдирилиб қўйилади. Тушликка ва кечқурунлари даладан уйларига тракторларда қайтишади. Масалан, вилоядада 5 минг трактор 2 литрдан ёнилғини ортича истроф қилганда 10 тонна ёнилғи кўкка совурилади.

— Қўпинча жойларда ёнилғининг сифати ёмонлиги ҳақида шикоят қилишади, бунга сабаб нима?

— Ёнилғи ташиб келтирилганда, жўнатилаётганда лаборатория таҳлилидан ўтказамиз. Давлат мезъер бирлиги талабига мос келсангина жўнатилади. Аммо жойларда ё



## БУ ФАҚАТ БОШЛАНИШИ...

**Ҳамма нарса олий ҳакам — Бақт олдида ожиз. Бугунги ёшлар иттифоқи эса ўз йўлни мустақил белгилай оладиган ташкилотидир. Қашқадарё вилояти Қамаши шаҳридан олган маълумотимизга кўра 16900 нафар ёшлар бор. Шаҳар ёшлар ташкилоти раиси Ҳусан Ҳайитов билан Қамаши ёшларининг бугунги ҳаётни ҳақида сўхбатлашдик.**

— Ҳусан ака, ёшлар ташкилоти ҳақида гапирсангиз.

Мен ёшлар ташкилотига ишонинг, уни қўллаб-кувватланг, туманимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкилоти қилиди, дегим келади.

Яқинда «Ўзбекистон — Ватаним менинг» мавзуида болалар боғчалирида кўрк үтказдик. Мақсад боғча ёшидан бошлаб Она-Ватан тарихини, ўтишни болалар онгига сингдириб боришдан, тарбиялашдан иборат. Мактаб ўқувчилари учун Улугбек стипендиаси ташкил этиб, аълочи ва жамоатчи ўқувчиларни рагбатлантириш ниятидамиз. Хунар-техника бўлим юртларида ҳам шу усулни қўллаймиз. Амир Темур хиёнида 31 нафар келин-кувнинг никоҳ тўйи үтказдилди. Бу тантана қамашиликлар хотирасида анчагина сакланади, деган умиддаман.

— Факат турли хил тадбирлару мусобақалар билан кифояланиб қолиш ёшлар ташкилоти вазифасини қониқтирумаса керак, деб ўйлайман. Ёшларнинг билимларини ошириш учун жойларда потиқлар тақлиф қилиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, айниқса, олий ўқув юртларини тамомлаган ёшларга эътиборни-кучайтириш, оиласиши шароитлар билан қизиқиц, уй-жой билан таъминлаш масалаларини ҳам зиммага олишнинг вакти келмадимикин?

— Жуда муаммоли масалани ўртага ташладингиз. Бу ишларни ҳал қилиш ёшлар ташкилоти учун енгил эмас. Айниқса, дипломли ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан, уй-жой билан таъминлаш нафакат туманимизда, балки, республикамиз

1. Қизларга гап отасизма ва қандай ҳолларда гап отасиз?

2. Йигитлар гап отса сизга ёқадими? Ўзингиз ҳам гап отганнисиз?

Рустам, Қашқадарё: — Қизларга гап отмаганман, отганларида ўзларига қайтарганиман, холос.

Нурбек, Қашқадарё: — Юз фоиз. Мени кўрган-билин бирорта қиз куруқ колмаган.

Шуҳрат, Сирдарё: — Гап отиш ўзи канака бўлади?

Зокир, Қашқадарё: — Йўғ-е, нима деяпсиз! Мен қизлардан фақат соат неча бўлганини сўраганиман, улар ҳам фақат шуни сўраштан.

Баҳром, Қамаши: — «Кетворган» қизларни кўрсам бир «оҳ!» деб қўйман-у, индамай кетавераман.

Азим, Урганч: — Ўзимга отиб қўйишларидан қўрқаман.

Этамназар, Булуңгур: — Ҳозирча гап отганим ўй, лекин қизлардан карадорман.

Фозил, Қашқадарё: — Отган бўлсан керак. С.га ўхаш қизларни кўрсамгина гап отаман.

Алишер, Навоий шаҳри: — Дунёда

бўйича ҳам ҳал этилиши енгил бўлмаган муаммодир. Туманимиздаги «Мехнат» биржаси билан ҳамкорликда шартнома тушиб, иш билан таъминлаш чорасини кўряпмиз. Шартномага асосан туман улгуржи савдо базасида ва саноат цехида кисқа муддатли касб-хунар ўргатилиб, сўнгра иш билан таъминланади. Масалан, қизларга бичиш-тишини ўргатиш бўйича 50 ўринли курс очилди.

— Ҳозир ижара, жамоа пудрати, шартнома асосида ишлап янгилик бўлмай қолди. Айниқса, кичик корхоналар, фирмалар очишига иштиёқмандлар кўп. Шундай истакдаги ёшларга қандай қўмак берилмоқда?

— Ўзига ишонган, иктидорли ёшлар бўлса, имтиёзли қарз олишга ва бошка жиҳатлардан ёрдам беришга ҳаракат килимади. «Окробод» жамоа хўжалигига ёшлар ташкилоти кўмитаси котиби Ўкташ Ҳайдаров ҳам ана шундай таклиф билан чиқди. Шартнома асосида жамоа хўжаликларидан ер олиб, етиширилган маҳсулотни сотишади. Биринчидан, жамгарма учун маблаг тайёр, иккинчидан ишсизларни ишга жалб килиниши қувоналири ҳол. Туман бўйича ҳам шундай шартнома асосида полиз маҳсулоти, галла етишириш учун ер олиш ниятимиз бор. «Ёшлар жамгармаси» ташкил этилса, анча ишларни амалга ошириш мумкин.

— Демак, бу факат бошланиши. Ишонаманки, бирон фурсат ўтгач «Ишлар билан ҳорманг», деб яна учрашамиз.

Лола МУСУРМОН қизи, Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани.

гўзал қизлар кўп. Баъзиларини кўрсам «ё товба, фариштадек гўзл-а!» деб юбораман. Уларнинг севгисига етишиш қийин. Ўшандайларини кўрсам

## ГАП ОГИШНИ БИЛАСИЗМИ?

ичимдаги кўйиклар «оҳ» бўлиб чиқади.

Искандар, Самарқанд: — Гап отсак отибмиз-да! Бари-бир қизларни хурмат қилимиз-ку!

Лола, Қашқадарё: — Буни ҳақоратдай қабул қиласман. Гап отганларида индамай кетаверишм уларга ҳақоратимдир. Гап отиш учун эса кайта тутилишим керак.

Рисолат, Ғузор: — Ҳам ёқади, ҳам ёқмайди, ўша кунги кайфиятимга боғлиқ.

Раъно, Фарғона: — Кимнинг гап

яқинда Тошкент Давлат Университети маданият саройида ёшлар иттифоқи ҳомийлиги билан уддабуро йигитлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Қўйилган шартлар бўйича йигитлар уйда, уй бекаларига ёрдамлашишлари, яъни сабзи, пиёз каби сабзавотларни сифатли тўғраш, спортнинг бирон турини кўрсатиб бериш, ётоқхона муаммоларини саҳна қўринишида ифодалаш, ўз мутахассисларни баҳолаб бориш, эркин мавзуда эса ўз махоратини кўрсата олиш эди.

Кўрик-танловда математика-механика факультети IV курс талабаси Икром Насруллаев биринчиликни эгаллади. Талабалар шаҳарчасида бу голиб йигитни «Вузгородок бўлбули» деб ҳам атасади. Чунки бирон-бир байрам ёки тантана унинг қўшиклариси ўтмайди. Мен бу тиниб-тичимас, ўқтам ва қобилиятли тенгдошим билан йигитни бўлган, сұхбатлашдим:

— Икромжон, ўзингиз математик, санъатни ҳам севасиз, бунинг сабабини айтib беролмайсизми?

— Бунга сабаб, оилавий мұхитим бўлса керак. Оиламида онамдан тортиб, ҳамма бирон-бир мусиқа асбобини чала билади.

— Санъатта қизиқишиларингиз ўқишингизни бўғиб қўймаяптими?

— Йўқ.

— Баҳоларингиз?

— Баҳоларим шу кунгача «4» ва «5». Илоҳим бу ёғига ҳам кўз тегмасин.

— Сизга яна бир анъанавий савол, севги-муҳаббатга қандай қарайсиз?

— Севгига 200 фоиз ишонаман.

— Севгилинигиз борми?

— Бор эди... ҳозир масофамиз сал узокроқ. Қўшикларимнинг энг яхшилари ҳам «у» билан танишган кунларда яратилган.

— Икромжон, асосан қайси шоирлар шеърлари бўйича қўшик айтасиз?

— Исоил Тўхтамиш шеърларидан, яна Камол Тўхтаев деган курсдошимиз бор, жуда қалби гўзал йигит. У шеърлар ёзиб турди. Баъзан у билан бирга ишлаймиз.

— Сир бўлмаса, орзуларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Орзуларим кўп... Энг аввало яхши гитара сотиб олиш, сўнгра келажакда шоу-группа тузмоқлик.

— Нимадан қўрқасиз?

— Томогим оғриб қолишидан.

— Ўртоқларин-гининг қайси фазилатларини ёқтирасиз? Қизлардини?

— Ҳазилкаш дўстларимни ёқтираман. Қизларининг камтарлигини.

— Армонингиз?

— Армоним — мусиқа мактабида ўқимагани...

— Яна нималар ҳақида гапириши хоҳлайсиз?

— Қўйдаги нақлга амал қиласман: «Камбагал бўлиб ўлиш гуноҳ». Биринчи мұваффакиятим деб, жуда кичкина бўлсада телевиденияда ёшларнинг «Зиё» кўрсатувига бошловчи қўшик тайёrlаганимдан қувонаман. Яна бир сиримни сизга айтай: «Отам — самарқандлик, онам — андижонлик, мен — сурхондарёликман».

Суҳбатдоши: Ҳолиёр АБДИЕВ, ТошДУ талабаси.

## ИККИНЧИ УЙ

Тўрт, беш, тўққиз қаватли бинолар... Улар ҳар иили қанчадан-қанча илму урфон истовчиларни ўз бағрига олади. Баъзиларини эса маъюс кузатиб қўди. Ҳа, биз талабалар тилида, иккинчи ўдан ётроби, карвонсарой ва яна бир қанча номлар билан аталаувчи ётоқхоналаримиз, камолот ўйларини забт этишдаги мұхим воситалардан бўлиб хизмат қиласми.

Хўш нега биз уни севавимиз?

Зиё Саломов, ТошДПИ талабаси: — Тўғрисини айтганда, ётоқхона ҳаётини менга ёқади. Чунки талаба бу ерда мустақил бўлишга, одамлар билан мулокот қилиши, жуда кўп муаммоларни ота-она кўмагисин ўзи ечишга ҳаракат қиласми. Кимларнингдир бу ерда ташкилотчилик қобилияти шаклланади. Ётоқхона талабани ёлғиз қилиб қўймайди. У бу жойдан ҳақиқий дўстлар ортиради, бу дўстлик эса узоқ-узоқларгача давом этиши сабиқ талабаларга аён.

Ботир Абдужабборов, ТошМИ талабаси: — Ўтган иили охирги курс талабалари ўзларининг битирив кечаларни ётоқхонада ўтказиши. Биласизми, улар ёткоға ўтган ётларни ҳаётларни ҳаётлаштириб, беихтиёр ўзим ҳам худди уларга қўшилиб, битирив кетаётгандек маъюсланиб қолдим. Чунки бу ерда ҳар бир талабанинг энг гуллаган ёшлик дамлари ўтади...

### БИЗ УНИ ҚАДРЛАЙМИЗ?

Жасур Олимов, кино техникуми: — Батзи ётоқхонада турдиган тенгдошларимга ҳайрон қоламан. Бу ерда худди буғун яшаб, эртага кетадиган одамдай тутади ўзларини. Лампочкалар кечаку-кундуз ёни, жўмраклар буралмаган, газ плиталари ўчирилмаган бўлса ҳам парвойи палак бўлади.

